

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

НУРКУЛОВ МАКСУД АБДУМАЖИТОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА БАНК
ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ**

**5340700 – “Банк иши” таълим йўналиши
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ТОШКЕНТ-2011

БМИни бажарди:

КБИ-78 гуруҳи талабаси

М.А. Нуркулов

Илмий раҳбар:

Доц. С.Х.Норқобилов

“ЯДАК олдида ҳимояга тавсия этилади”

Кафедра мудири

и.ф.н., доцент С.Х.Норқобилов

“Тасдиқлайман”

Факултет декани

и.ф.н., доцент О.Б.Сагтаров

(муҳр)

МУНДАРИЖА:

Кириш	3-5
 I БОБ. БАНК ТИЗИМИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ	
1.1. Банк тизимининг тарихий шаклланиши	5-9
1.2. Банк тизими ва уни мустақиллик йилларида ривожлантириш босқичлари	9-17
 II БОБ. БАНК СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАСТУРЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
2.1. Банк соҳасини ривожлантириш ва уни ислоҳ қилишда ишлаб чиқилган дастурлар	18-30
2.2. Банк соҳасини ислоҳ қилишни 2011-2015 йиллардаги ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	31-44
 III БОБ. Иқтисодиётни ривожлантириш ва банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш истиқболлари	
Хулоса ва таклифлар	53-55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	56-58

Кириш.

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисо-диётни ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Жамиятда ривожланган банк тизимига эга бўлмасдан иқтисодий ўсишни тассавур қилиш мураккабдир.

Банк тизимини эркинлаштириш шароитида банкларда бозор талабларига мос келувчи хизмат турларини тадбиқ қилиш, миқдорларнинг ҳозирги замон талаб ва тақлифларини ҳисобга олиш, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш, янги кредит воситаларини қўллаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш бораётган ушбу босқичда асосий мақсад банкларимиз фаолиятини халқаро банк амалиёти андозаларига яқинлаштиришдан, банкларнинг капиталлашиш даражасини оширган ҳолда, уларни хусусийлаштириш, банклар фаолиятида янги замонавий технологиялар қўллаш орқали иқтисодиётни модернизациясига эришишдан иборатдир.

Инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номуносабатликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш - давом этаётгани фонд ва хом ашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада - мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир.*

* Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 24 январь

2010 йилда республика банк тизимининг асосий кўрсаткичлари ўзгаришининг динамикаси, тизимнинг барқарор ривожланиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 36,2 фоизга ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига 4 100,1 млрд. сўмни ташкил этди.

2010 йил якуни бўйича банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси 23,4 фоизни ташкил этиб, бу халқаро банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан тавсия қилинган 8 фоизлик кўрсаткичдан қарийб 3 баробар кўпдир. Амалга оширилган ишлар натижасида банк тизимининг барқарор ривожланиб бораётганлиги нуфузли халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда.

Жумладан, 2010 йилнинг август ойида «Мудис инвесторс сервис» рейтинг агентлиги томонидан жаҳон иқтисодий инқироzi шароитида ҳам Ўзбекистон банк тизими нафақат ўзининг барқарорлигини сақлаб қолганлиги, шу билан бирга, банклар активлари сифатининг яхшиланиши, капиталлашув даражасининг оширилишига эришилганлиги эътироф этилди ва республикамиз банк тизимига «барқарор» рейтинг баҳоси берилди*

2011 йилда банк тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилишни кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Мазкур битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида банк тизими ва уни ривожланиш босқичлари ўрганилган.

Ишнинг иккинчи бобида эса банк соҳасини ислоҳ қилиш дастурлари ва асосий йўналишлари ёритилган.

Битирув малакавий ишнинг учинчи бобида Иқтисодиётни ривожлантириш ва банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш истиқболлари ёритилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида мавзу бўйича умумий хулосалар шакллантирилиб, тегишли таклифлар келтириб ўтилган. Иш фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан тугаган.

* 2010 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили (www.cbu.uz)

I боб. Банк тизими ва уни ривожлантириш босқичлари

1.1. Банк тизимининг тарихий шаклланиши.

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодий ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Жамиятда ривожланган банк тизимига эга бўлмасдан иқтисодий ўсишни тассавур қилиш мураккабдир.

Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқрози шароитида тижорат банклари ўз мижозлари олдидаги ишонч ва барқарорлигини сақлашлари муҳимдир.

Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада - мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир.*

Банк тизими бозор иқтисодийнинг муҳим ва ажралмас қисмидир. Товар пул муносабатларининг кенг миқёсда ривожланиши банклар олдида янгидан-янги операциялар бажаришга имкониятлар очиб беради.

Банк тизимини ташкил қилишни амалга ошириш қўйидаги **тамоийилларга** асосланган ҳолда олиб борилиши мумкин:

-  хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ишончини қозониш мақсадида банк-молия тизими барқарорлигига эришиш;
-  банк тизимидаги ислохотлар умумиқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши билан мос келиши;
-  банк-молия тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан жаҳон банк тизимига яқинлаштириш;
-  пул-кредит сиёсатини олиб боришда мамлакатнинг ички эҳтиёжини ва унинг иқтисодининг хусусиятини ҳисобга олиш;
-  банклар фаолиятида мижозлар манфаатини устун қўйиш ва бошқалар.

Замонавий банк тизими, бу - ўз мижозларига турли кўринишдаги хизмат кўрсатиш соҳасидир; аъёнавий депозит-ссуда ва ҳисоб-китоб операцияларидан, яъни банк ишининг асосида тортиб, то янги шаклдаги пул-

* Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққийини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 24 январь

кредит ва молия воситаларигача (лизинг, факторинг, траст ва х.к.). Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида молиявий аҳволни соғломлаштириш, иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий йўналиши бу, банк тизимини қайта қуриш ва ислоҳ ўилиш зарур. Бунинг учун чет эл банк тизимларининг ривож ва тажрибаларига бўлган диққат кучайтирилса, бу бизни халқаро стандартга яқинлаштиради ва жаҳон даражасига чиқишга, яъни чет эл ҳамкорларимизни ишончини қозонишга ёрдам беради.

Ҳозирги товар ва молия бозорларини ривожланаётган шароитда банк тизимининг структураси кескин мураккаблашмоқда. Янги молия, кредит муассасалари, мижозларга хизмат кўрсатишда янги метод ва воситалар пайдо бўлган.

Банк тизими – бу, турли кўринишдаги банклар ва банк институтлари, шунингдек уларнинг ўзаро алоқаларини мажмуидир.

Банк тизимини қуйидаги стратегик масалаларни ечишда фойдаланилади:

- ✓ иқтисодиёт ўсишини таъминлаш;
- ✓ инфляция назорати;
- ✓ тўлов баланси назорати.

Замонавий кредит-банк тизими кўп бўғинли ва мураккаб структурага эга.

Кредит тизимининг учта муҳим элементлари:

1. Марказий (эмиссион банк);
2. Тижорат банки;
3. Махсус молия муассасалари (суғурта, жамғарма ва ҳоказо).

Хар бир мамлакат банк тизими ўзига хос хусусиятларга эга, масалан Буюк Британия банк тизими мисолида биз банклар бирлашув жараёнини кузатишимиз мумкин. Банк капиталининг марказлашувининг янада яққол кўринишини биз иккинчи жаҳон уришидан кейинги Германияда кўришимиз мумкин. Франция ва Италия мамлакатларида банк капиталининг марказлашуви ўзгача кечди. Бунда давлат органларининг банк тизимига катта таъсири ҳамда банклар фаолиятига аралашуви алоҳида эътиборга лойиқ. АҚШ йирик банклар филиаллари сони Англия ва Германияга нисбатан унчалик катта эмас. Шу билан бирга, бу ерда катта миқдорда мустақил банклар мавжуд.

Тижорат банкларининг вужудга келиши узок асрларга бориб тақалади. Лингвистика ва этимология фанларининг хулосаларига кўра банк сўзи эски француз сўзидаги *banque* ва итальянча *banco* сўзларидан олинган бўлиб, ушбу сўзлар уларнинг сўз бойлигига бир неча юз йил олдин кириб келган ҳамда “*айирбошлаш столи*” маъносини англатади. Ушбу банкирларнинг иши асосан айирбошловчилик бўлиб, улар столда ўтириб шаҳарга келган саёҳатчиларнинг хорижий пуллариини ўзларининг маҳаллий пулларига айирбошлаб беришган ёки белгиланган тўловда тижорат векселлари ҳисобини юритишган. Илк банкирлар ўз фаолиятларини молиялаштириш учун ўзларининг сармояларидан фойдаланишган. Кейинчалик депозитларни жалб қилиш операциялари ҳам қўлланила бошлаган. Вақт ўтиши билан, айнан депозитлар банк ресурсларининг асосий элементи бўлиб хизмат қилди.

Тарихчиларнинг фикрига кўра, илк банкирлар - ассирийлар, вавилонликлар ва қадимги греклар - бундан 2000 йил муқаддам пайдо бўлишган. Вавилонда эрамиздан олдинги VII-V асрларда икки йирик банк ташкилоти фаолият юритган. Қадимги Грецияда банклар ролини ибодатхоналар (Дельфий, Делос, Эфес, Самос) ўйнашган. Черков банклар жамғармаларни қабул қилишган ва жисмоний шахсларга ва жамоа ташкилотларига ссудалар беришган. Тижоратчилар, денгизчилар ва деҳқонларга берилган кредитлар йиллик 6% дан ойлик 48% гача берилган ҳамда улар жуда ҳам рискли операция бўлган. Қадимги Рим ва Грецияда кредит операцияларини тартибга солиш бўйича қонун амал қилган. Тахминан эрамиздан олдинги 450 йилда Грецияда ссудалар бўйича йиллик фоиз ставкасини 8,5 % миқдорида чекловчи норматив меъёрий ҳужжат қабул қилинган. Византия ҳукмдори Юстиниан пулли битимларни назорат қилувчи ва фоиз ставкаларини оширишнинг чегараловчи қонун қабул қилган. Ушбу қонунга кўра савдогарларга кредитлар учун йиллик фоиз ставкасининг максимал миқдори 8 %, аҳолининг қолган қисмига йиллик фоиз ставкасининг максимал миқдори 6 % қилиб белгиланган.

Банк иши босқичма-босқич тарзда қадимги грек-рим цивилизацияси доирасида ривожлана бориб, Шимолий ва Ғарбий Европада кенг қулоқ ёйди. Ўрта асрларга келиб Европада банклар фаолиятида италияликларнинг фаоллиги кузатилди. Ва албатта, банк сўзининг итальян тилидан келиб чиққанлиги шу билан изоҳланади. Аммо, бу ердаги банклар ўрта асрларга келиб черков тазйиқига учради. Бунга асосий сабаб, улар тақдим этаётган кредитлар учун сўралаётган юқори фоиз ставкалари эди. Чунки, бу маҳаллий аҳоли моддий аҳволига жиддий зарар етказар эди. Бироқ, банклар томонидан бой мижозларни жалб этилиши ҳамда бой мижозлар томонидан банклар кўрсатаётган хизматларга талабнинг ортиши черков тазйиқини заифлаштириб борди. Бу ўз навбатида, банклар ривожланишини жадаллаштириб юборди. XI асрга келиб Венецияда лизинг битимларига ўхшаш битимлар тузила бошлади. Бир қатор итальян банкирлари бошқа Европа давлатлари(Буюк Британия, Нидерландия)да ўзларининг идораларини оча бошлашди. Улар орасидан энг машҳури бу Ломбардлар оиласи бўлиб, ҳозирги кундаги ломбард ташкилотларининг номи ушбу оила номи билан боғлиқдир.

XV-XVII асрларда янги савдо йўллариининг очилиши ва кема қатновининг ривожланиши Ғарбий ва Шарқий Европани халқаро савдо марказига айланишига олиб келди ҳамда банклар ривожланишига катта туртки бўлди. Буғ машиналарининг пайдо бўлиши, умуман саноат инқилоби даврида банкларнинг тўловларни амалга ошириш ва кредитлар бериш каби хизматларига талаб ошди. Бу даромадлилик риск дилеммаси орасида кун кўрувчи банкларни даромадлилигини ошириш билан уларни олиниши кутилаётган даромадга тенг ёки ундан ҳам кўпроқ рискка рўпара қилди. Ушбу даврда банклар фаолияти жамоа тарзида ривожланиб, савдо ҳамкорликларини туза бошлашди, шунингдек шаҳар ва давлатларнинг шунга ўхшаш ташкилотлари тузила бошлади. Банк сифатида биринчи ташкил

топган банк - 1407 йилдаги Генуя банки бўлиб, унинг номи “Авлиё Георгия Банки” бўлган ва ўз фаолиятини XIX асргача давом эттирган. Ушбу банк бир қатор генуя ҳукумати кредит ташкилотларининг бирлашишидан ташкил топган.

Бундан ташқари, XVI-XVII асрларга келиб Европанинг Венеция, Милан, Амстердам ва Гамбург сингари шаҳарларда махсус жиробанклар ташкил қилинган. Уларда ҳисоб-китобларни нақд пулсиз ҳам амалга оширилган. Жиробанклар ўзларининг ортикча пул маблағларини давлатга ва миждозларига қарз берган. Жиробанклар тижорат банкларининг ибтидоий кўриниши ҳисобланади. XVII асрнинг ўрталарида Англияда банк тизими жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Банк ташкилотлари кредитга бўлган эҳтиёжни қондирган ҳолда Англиянинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшган. Вильям Питерсоннинг лойиҳаси бўйича 1694 йилда Англия банки ташкил этилган. АҚШдаги ҳозирги кунда ҳаммага маълум банк тизими 1781 йилда Фладельфияда Шимолий Америка Банки ташкил этилиши билан бошланади.

1.2. Банк тизими ва уни мустақиллик йилларида ривожлантириш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши бевосита мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиши билан боғлиқдир. Айнан 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги илк қонуни қабул қилиши билан мамлакатимиз миллий банк тизими ривожланиши **биринчи** босқичи бошланди. Натижада мамлакатимизда икки поғонали банк тизимини юзага келтиришнинг дастлабки ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, хўжалик субъектларини молиялаштириш ихтисослаштирилган банклар зиммасига юклатилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур банкларда тегишли функционал бўлинмаларни юзага келишига олиб келди.

Миллий банк тизимини ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларида банкларнинг иштирокини кучайтириш масалаларига 1992-1994 йилларда эътибор қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8-10 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида банк тизимини ислоҳ қилишнинг муҳимлигини таъкидлаб, жумладан, шундай дедилар: «Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш учун, авваламбор, ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар, жумладан, тижорат банклари тармоғи фаолиятини

ривожлантимасдан туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас»¹

1992-1994 йилларда миллий иқтисодиётдаги аҳвол мураккаблигича қолди. Бу даврда истеъмол нархларининг ўсиши ўртача 1000 фоиздан ошди. Бу кўрсаткич 1994 йилда ўзининг юқори чўққисига чиқди, яъни мазкур йилда инфляция даражаси 1282 фоизни ташкил қилди.² 1993-1994 йилларда тижорат банкларининг ресурслар базасига ва молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи мажбурий захира талабномалари сақлаб қолинди. 1993 йил ноябрь ойидан бошлаб талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар ва уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жалб қилинган депозитлар учун мажбурий захира ставкаси 30 % қилиб белгиланди.

Амалга оширилган тадбирлар кўлами, 1991-1994 йилларни Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг биринчи босқичи сифатида эътироф этиш имконини беради.

1994 йилда миллий валюта сўмнинг муомалага киритилиши билан миллий банк тизимини шакллантиришнинг **иккинчи босқичи** бошланди ва у 1998 йилга қадар давом этди. Ушбу босқичда ҳақиқий икки поғонали банк тизими яратилди. Биринчи марта 1995 йил 21 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунда тижорат банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди.

Миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида тижорат банкларининг сони ва кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди. Бу эса миллий банк тизимида рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Айниқса, автомобиль саноати корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Асакабанк»ни, ғалла етиштиришни молиялаштирувчи «Ғаллабанк»ни, савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогарбанк»ни, пахтачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги ва пахтани қайта ишлайдиган корхоналарни молиявий жиҳатдан таъминловчи «Пахтабанк»ни ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини шакллантиришдаги жиддий қадам бўлди.

Иккинчи босқичда кўп сонли банклар очик турдаги акционерлик жамиятлари шаклида таъсис этилди. Бу эса ушбу тижорат банкларини, улардаги давлатга тегишли бўлган акциялар пакетини хусусий, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш орқали хусусийлаштириш имконини берди. Ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида амалга оширилган зарурий тадбир эди. Лекин бизга халқаро банк амалиётидан маълумки, ихтисослаштирилган тижорат банкларининг активларни диверсификация қилиш имконияти чегараланган бўлади ва бу уларнинг риск даражасини

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-том.-Т:Ўзбекистон, 1996.-119 б.

² Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.М. Муллажонов таърифи остида.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-57 б.

оширади чунки бирор тармоқнинг заифлашиши ушбу тармоққа ихтисослашган банкларнинг ҳам заифлашишига олиб келади. Натижада тизимли риск туфайли бутун банк тизими заифлашиши мумкин.

«Тижорат банклари молиявий ҳолатини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда республика банк тизимини халқаро банк амалиётини ўрганиш асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, банкларнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги ҳам оширилди.

Иккинчи босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Улардан асосийси, жалб қилинадиган аҳоли омонатларининг умумий суммасини тижорат банкларининг ўз капитали ҳажмлари билан чеклайдиган Низомнинг бекор қилиниши бўлди. Бу тадбир қисқа вақт ичида ўз самарасини берди: 1994 йил бошида аҳолининг банк тизимидаги жамғармаларининг 98,5 фоизи Жамғарма банки ҳиссасига тўғри келган бўлса, шу йилнинг охирига келиб бошқа тижорат банкларининг улуши 12,8 фоизни ташкил этди.³

Миллий банк тизимини ривожланишига кучли туртки берган омиллардан асосийси тўрт йил мобайнида, яъни 1994-1998 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳукумати томонидан тижорат банкларини асосий солиқ турларидан озод қилинганлиги ҳисобланади. Солиқларни тўлашдан бўшаган маблағларнинг сезиларли қисми банклараро тўловларни амалга оширишнинг ягона электрон тизимини яратишга сарфланди. Натижада қисқа муддат ичида халқаро андозалар талабларига жавоб бера оладиган замонавий банклараро тўловлар тизими яратилди.

Банк тизимини ривожлантиришнинг иккинчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан яна бири, шубҳасиз, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги тизимига ўтилганлигидир. Мазкур тизимга ўтиш 1994 йилдан бошланди. 1996 йилнинг иккинчи ярмида ўша пайтдаги дунёдаги ўта нуфузли компаниялардан бири “Артур Андерсен” консалтинг фирмаси билан ҳамкорликда Марказий банк мутахассислари томонидан банклар учун бухгалтерия ҳисоби тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши хусусий банклар ривожлантиришга сезиларли даражада ижобий таъсир қилди. Мазкур Фармонга кўра низом жамғармасида жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда хусусий тижорат банкларини очиш учун бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан,

- янги ташкил этилаётган хусусий банклар минимал устав фонди 300 минг АҚШ доллари қилиб белгилаш;

³ Ф.М. Муллажонов таърири остида. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-79 б.

- янги ташкил этилган хусусий банклар ташкил этилган пайтдан бошлаб 2 йил даромад солиғидан озод қилиш;

- янги ташкил этилган хусусий банкларга 6 ой ичида валюта операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш каби имтиёзлар берилди. Ушбу Фармоннинг амалиётга татбиқи натижасида 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига хусусий банкларнинг сони 18 тага етди.

Миллий банк тизимида банкларни корпоратив бошқариш тизимини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим роль ўйнайди. Мазкур Фармон тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва банк Кенгашларининг ролини оширишга доир тадбирлар мажмуини белгилаб берди. Фармонда давлат улуши банк капиталида 25 % дан ошган ҳолда банк Кенгаши таркибига Марказий Банкдан ишончли вакил киритилиши айтиб ўтилди. Фармон чиққунга қадар банк Кенгашлари, улар зиммасига банк фаолияти устидан назоратни, жумладан, омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўғри кредитлаш ва маблағларни инвестиция қилиш устидан назоратни амалга ошириш масъулияти юклатилганлигига қарамасдан, ўз мажбуриятларини бажаришга юзаки муносабатда бўлиб келишарди. Бу эса, пировард натижада, банкларнинг кредит ва қимматли қоғозлар портфелининг сифатини ёмонлашувиغا олиб келарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 31 майдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига биноан ваколатли банклар халқ истеъмоли моллари ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган, республика иқтисодиётини базавий ва етакчи тармоқларида устувор лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган корхоналарга (шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга) сўмларни эркин муомаладаги валюталарга имтиёзли равишда айирбошлаб беришни таъминлайдилар.

Миллий банк тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг иккинчи босқичига хос бўлган айрим долзарб муаммолар бўлганлиги таҳлил жараёнида маълум бўлди. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Юқори даражадаги мажбурий захира талабномаларининг сақланиб қолганлиги.

б) Тижорат банкларининг ресурс базаси заифлиги.

Ўзбекистон миллий банк тизимини ривожлантиришнинг **учинчи** босқичи 1999-2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январда қабул қилинган «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарори навбатдаги босқичга ўтишга асос бўлди. Қарорда тижорат банклари низом жамғармасининг минимал ҳажми, низом жамғармасида битта акциядор улушининг максимал ҳажми, тижорат банкларининг бир-бирларининг низом жамғармаларида иштирок этиши, банкларни хусусийлаштириш бўйича қўйиладиган талаблар каби долзарб масалалар ўз аксини топди. Ушбу қарорга мувофиқ банк тизимини ислоҳ қилиш борасида республика комиссияси тузилиб, банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Учинчи босқичда банк тизимига хорижий капиталларни жалб қилиш масаласига катта эътибор берилди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги 511-сонли қарорига мувофиқ, 2000 йилда «Асакабанк»нинг 50%, 2001 йилда Миллий банкнинг 40 % акцияларини хорижий сармоядорларга сотиш мўлжалланди.

Мазкур босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилишни рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва ушбу қонунга мувофиқ фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилди. Бу ўз навбатида, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириб, инвестицион жараёнларга аҳоли омонатлари салмоғи ошишига хизмат қилди. Ушбу Фонд ҳақида кейинги бобларда тўлиқроқ тўхталиб ўтамиз. Шунингдек, банклардаги аҳоли омонатларидан мажбурий захира фондига ажратма қилиш бекор қилинди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларга бир пайтнинг ўзида бир неча банкда ҳисоб рақамлари очишга рухсат берилиши ҳам банклараро рақобат муҳитини кучайтишига олиб келади ва банкларнинг универсаллашуви учун самарали қадамлардан бири бўлди.

Миллий валютанинг тўлиқ ички конвертирланишига эришиш, миллий валюта бозорини янада эркинлаштириш масалалари миллий иқтисодиёт ривожланишининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли «Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши муҳим роль ўйнайди.

Ушбу қарорларни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад қуйидагилардан иборатдир:

- мамлакатнинг ички валюта бозорини барча айирбошлаш операциялари талаб ва таклиф асосида шаклланадиган валюта курси билан амалга ошириладиган ҳақиқий валюта бозорига айлантириш. Бу борада 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб, ҳукумат кафолатлари асосида мамлакатимизга турли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2001 йилнинг 1 июлигача чет элдан жалб қилинган кредитлар ва уларнинг фоизларини тўлашга доир операциялардан ташқари қолган барча операциялар валюта

курси талаб ва таклиф асосида шаклланадиган биржадан ташқари бозорга ўтказилади;

- экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни янада кучайтириш, кичик ва ўрта корхоналарни ҳамда хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш мақсадида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига бир қатор имтиёзлар берилди. Хусусан, улар 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўзлари ишлаб чиқарган товарлар экспортидан тушадиган валюта тушумининг белгиланган қисмини мажбурий сотишдан озод қилиндилар. Шунингдек, уларга валюта тушумини белгиланган тартибда банк кассаларига кирим қилиш шарти билан товарларни нақд хорижий валютага экспорт қилишга рухсат қилинди.

Банклар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишининг **тўртинчи** босқичи

Ушбу босқичнинг муҳим ютуқларидан бири бу – 2003 йил 15 октябрда мамлакатимиз томонидан Халқаро Валюта Фондининг VIII банди шартларининг қабул қилинишидир. Бу билан миллий валютамининг эркин конвертациясига эришилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва банкларга аҳоли жамғармаларини жалб этишни рағбатлантириш мақсадида 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Банк сирини тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда банк сирини сақлашга доир талаблар ва банк миждозлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш мумкин бўлган вазиятлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли қарори қабул қилиниши тижорат банкларига кредит олмақчи бўлган миждозларининг кредит тарихини билиш имконини бериши уларнинг риск даражасини камайтирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорида тижорат банкларининг даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган база жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари кўпайган сумма миқдорида камайтиши кўзда тутилган эди. 2004 йил 26 февралдаги 89-сонли қарорига кўра ушбу имтиёзлар пластик карточкалардаги омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлар ҳажмининг ошишига ҳам кўлланиладиган бўлди. Бу ўз навбатида, инфляция жараёнида банкларнинг омонатларни жалб қилиш операцияларини рағбатлантирди ҳамда банк иши самарадорлигига ижобий таъсир этди.

Шунингдек, “Лицензияланадиган фаолият турлари рўйхати” ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги қонунларга киритилган ўзгартиришларга кўра Республикадаги ломбардлар фаолиятини тартибга солиш вазифаси Марказий Банк зиммасига юклатилган эди. 2003 йилнинг 17 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси

худудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятларини лицензиялаш масалалари тўғрисида” 402-сонли қарори қабул қилинди. Бундай нобанк кредит институтларининг ташкил этилиши мамлакатимиз банк тизимиغا янги рақобатчиларни кириб келишига сабаб бўлди. Ва албатта, аҳолининг қисқа муддатли кредитларга бўлган талаби қондирилди.

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишининг **бешинчи** босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бошланди. Ушбу қарор асосида “2005-2007 йилларда банк секторини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури” қабул қилинди. Дастурда янги ташкил этилаётган банклар устав капитали миқдорини халқаро Базель қўмитаси тамойилларига мослаштириш ва босқичма-босқич ошириб бориш мақсад қилиб олинди. Жумладан, 2007 йил 1 январига қадар тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдорини 5 млн. АҚШ доллари эквивалентига, хусусий банклар учун 2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентига етказиш ҳамда тижорат банкларининг ўз устав капитали (регулятив капитали)нинг банк активлари умумий миқдорига нисбати 10 % дан кам бўлмаслиги белгиланди. Тижорат банкларининг устав капиталининг минимал миқдори босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилди ва 2005 йил 1 июлидан бошлаб тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдорини 3 млн. АҚШ доллари эквиваленти, хусусий банклар учун 1,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти, чет эл капитали иштирокидаги банкларга 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланган бўлса 2006 йил 1 январдан бошлаб эса мос равишда 4 млн., 2 млн., 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида қилиб белгиланди.

Тижорат банклари акциялари жозибадорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари акциясидан жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида оладиган даромадлари 2010 йилнинг 1 январигача солиққа тортишдан озод қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги “Тижорат банкларининг капиталлашиши даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

- ✚ юридик шахсларнинг тижорат банкларининг акцияларидан дивиденд сифатида оладиган даромадлари солиқдан озод этилади;

- ✚ фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги ўрнини ошириш ва уларнинг бу жараёндаги иштирокини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларига қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорига қатнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизигача миқдорини белгиланган тартибда сотиб олишга рухсат берилди.

Аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини ошириш ишлари бу босқичда ҳам давом эттирилди. Жумладан, 2005 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги қарори аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини оширишга муҳим роль ўйнади.

Банкларнинг капиталлашув жараёнида аҳоли ва нодавлат ташкилотларнинг, яъни хусусий фирма ва корхоналарнинг улуши ошиб бориши ушбу бешинчи босқичнинг асосий ютуғи ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банклари ўртасида рақобатни ривожлантириш мақсадида 2005-2006 йилларда “Асака” банкини, 2005-2009 йилларда эса Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкини хусусийлаштириш ва бунда давлат улушини етакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотиш вазифаси белгилаб олинди. Банклар ўртасидаги кучли рақобатни таъминлаш мақсадида ушбу босқичда нобанк молия ташкилотларига алоҳида эътибор берилди. 2006 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилган бўлса, 2006 йил 20 сентябрда эса “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Унга кўра, Тошкентда ташкил этилаётган микрокредит ташкилотлари устав жамғармасининг энг кам миқдори миллий валюта эквивалентида 20 минг АҚШ доллари, бошқа аҳоли пунктларида эса 10 минг АҚШ доллари қилиб белгиланди. Микрокредит ташкилотлари аҳолига микрокредит, микроқарз ва микролизинг хизматларини кўрсатади аммо аҳоли омонатларини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2005 йилда иккита банк, яъни “Ўзуйжойжамғармабанк” ва “Заминбанк” бирлашиши орқали янги “Ипотека банк” акциядорлик-тижорат ипотека банки ташкил этилди. Бундан асосий мақсад аҳолининг уй-жойларга бўлган талабини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этишдир. Унга кўра ипотека кредити 2 йиллик имтиёзли муддат билан камида 15 йилга кўпи билан 5 % ли ставкада тақдим этилади.

Банк тизимида олиб борилаётган кредит сиёсати иқтисодиётни реал секторини, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялашга қаратилган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар беришни қўллаб қувватлаш мақсадида 2006 йил 5 майда Тадбиркорбанк Микрокредитбанкка айлантирилди.

Истеъмол кредити бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши, жумладан 2006 йил 10 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши ушбу кредитнинг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

2006 йил 11 майда Ўзбекитон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3751-сонли Фармони қабул қилинди. Жамғарманинг устави 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида ташкил этилди. Бу мамлакатда инвестицион жараёнларни жадаллашишига туртки бўлиш билан бирга мамлакат банк тизими ривожига ҳам сезиларли таъсир этади.

2010 йил 6 апрелдаги 1317-сон "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг 2011 йил 1 январдан бошлаб янгидан ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдорини қуйидагича белгиланди: тижорат банклари учун - сўм эквивалентида 10 млн.еврогача; хусусий банклар учун - сўм эквивалентида 5 млн.еврогача.

II. Банк соҳасини ислоҳ қилиш дастурлари ва асосий йўналишлари

2.1. Банк соҳасини ривожлантириш ва уни ислоҳ қилишда ишлаб чиқилган дастурлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1999 йил 15 январдаги қарорига асосан банк тизимини барқарорлигини ошириш, банклар ресурсларини сафарбар этиш, иқтисодиётни кредит билан таъминлашда банкларниги иштирокини кенгайтириш, банк хизматлари соҳасида рақобат мухитини ривожлантириш соҳасида вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу Қарорга биноан янги ташкил этилаётган банклар устав сармоясининг энг кам миқдори 2000 йил 1 январдан бошлаб қуйидагича қилиб амалга киритилган эди:

Тошкент шаҳрида очилаётган тижорат банклари учун - сўмлардаги эквивалентда 2,5 млн АҚШ долларигача;

бошқа аҳоли яшаш пунктларида очилаётган тижорат банклари учун - сўмлардаги эквивалентда 1,25 млн АҚШ долларигача қилиб белгиланган.

Хорижий сармоя иштирокидаги банклар энг кам устав сармояси бўйича белгиланган талаблар сўм эквивалентида 5 млн АҚШ dollari миқдорида сақланиб қолишини назарда тутилган эди.

Ушбу Қарор билан яна қуйидаги масалалар белгилаб қўйилган эди:

бир акциядорнинг ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир гуруҳ акциядорларнинг банк устав сармоясидаги улуши устав сармояси умумий миқдорининг 25 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги (хусусий банклар ва хорижий сармоя иштирокидаги банклар бундан мустасно);

1999 йил 1 январдан бошлаб банкнинг янгидан руйхатдан ўтказилаётган банклар устав сармоясида иштирок этишига йўл қўйилмайди, хорижий сармоя иштирокидаги банкларни ва шўъба банкларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно. Тижорат банклари фаолият кўрсатаётган банклар устав сармоясида уларга тегишли акциялар пакетларини 2001 йил 1 январгача сотишлари шартлиги;

Банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича Республика комиссияси ташкил этилиши;

Республика ҳудудида жойлашган юридик шахсларга:

ишловчилар сони 1000 кишидан ортиқ бўлган корхоналарга 1999 йил 1 июндан бошлаб; ишловчилар сони 200 кишидан ортиқ бўлган корхоналарга 1999 йил 1 декабрдан бошлаб; бошқа юридик шахсларга 2000 йил 1 июндан бошлаб солиқ тўлаш жойидаги солиқ органларини хабардор қилган ҳолда бир нечта банкда ҳисобварақлар очиш ҳукуки берилиши;

тижорат банклари бериладиган кредитлар ҳажмлари ва турларини, киска муддатли ва узок муддатли кредитлар ўртасидаги нисбатни,

қарздорлар бўйича молиявий ахборотни таҳлил қилиш тартибини, кредитлар бериш ва уларни қайтариш тартибини, фоиз сиёсатини, гаров билан таъминлашга қўйиладиган талабларни, кредит портфелини аудит қилиш жараёнини қамраб олувчи кредит сиёсати йўналишларини ишлаб чиқишлари кабилар белгилаб берилган эди.

1991-2000 йиллар мобайнида юзага келтирилган банк тизимини янада халқаро андозаларга яқинлаштириш мақсадида банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ; қилиш чора-тадбирларининг бошланиши банк тизими ривожланишининг тўртинчи босқичи бошланганлигини кўрсатади. Бу босқич Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2000 йил 21 мартдаги фармони ва Базирлар Махкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2000 йил 24 мартдаги Қарори қабул қилиниши билан бошланди.

Бу ҳужжатларга асосан қуйидагилар бу босқичнинг асосий вазифалари қилиб белгиланди:

- банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банклари мустақиллигини ошириш;

- банк тизими ва унинг бўғинлари ривожланишини рағбатлантириш;

- бўш турган маблағларни банкка жалб қилиш ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни қайтириш;

- банкларнинг иқтисодиётни аниқ секторида ишлаётган корхоналарни, хусусан деҳқон, фермер хўжаликларини ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш жараёнини кенгайтириш;

- банкларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш;

- банкларнинг миқозлар билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини шакллантириш;

- аҳолининг банк-молия тизимида бўлган ишончини ошириш;

- хорижий банклар ва бошқа молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, валюта муносабатларини эркинлаштириш ва кенгайтириш каби вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонига биноан банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш, деҳқон, фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтириш, банкларнинг омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек банклар билан уларнинг миқозлари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини шакллантириш, хорижий банклар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида қуйидагилар қайд этиб ўтилган эди:

тижорат банклари ўз фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини ажратиш йўли билан банкларда ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик

корхоналарини, деҳқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасини тузиш тўғрисида таклиф киритилган ва тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари ана шу маблағлар мазкур жамғарманинг ресурсларини кўпайтиришга мақсадли йўлантирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиниши;

тижорат банкларига аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилувчи тайёрлов ташкилотларига маҳсулот топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тузилган шартномаларда кўзда тутилган нархларга ва етказиб бериш муддатларига мувофиқ улардан амалда харид қилинган маҳсулот ҳажмининг 100 фоизи миқдорида нақд пул маблағлари беришга ижозат этилиши;

фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик ва урта бизнес субъектлари (шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари), хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар (савдо-воситачилик ташкилотлари бундан мустасно) 90 календар куни даври мобайнида топширган нақд пул тушуми доирасида ўзларининг банк ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини олишга ҳақли эканликлари;

юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни ва хизматларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб эвазига етказиб бераётган яқка тартибдаги тадбиркорлар тегишли йил чораги мобайнидаги оборот миқдорида ўзларининг банк ҳисобварақдаридан нақд пул маблағларини олиш ҳуқуқига эгаллиги;

тижорат банклари аҳолидан дастлабки омонатни қабул қилган банк филиали қаерда жойлашганидан қатъий назар шу банкнинг барча филиаллари томонидан аҳолининг омонатлари бўйича миқдорнинг биринчи талабига кўра нақд пул маблағлари чекланмаган тарзда берилишини таъминланганлиги белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сон Фармонида мувофиқ 2000 йил 24 мартда «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва шу қарорга илова тариқасида 2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Дастури ишлаб чиқилган.

Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг молия бозоридаги воситачилик ролини фаоллаштириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш, ва, пировард натижада, банкларнинг ички ва халқаро молиявий бозорларда рақобатбардошлигининг юқори даражасига эришиш Дастурнинг стратегик мақсади ҳисобланади. Бу дастур Ўзбекистон Республикасида бозор ислохотлари сиёсатини амалга оширишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Тегисли мақсадларга эришиш учун қуйидагилар Дастурнинг асосий йуналишлари ҳисобланади:

банкларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, тижорат банкларини янада акциялаштириш, банкларга раҳбарлик қилишда акциядорларнинг ролини ошириш йўли билан корпоратив бошқариш тизимини мустаҳкамлаш;

банк тизимини институционал ривожлантириш, банкларнинг активлари, шу жумладан валюта активлари сифатини яхшилаш ҳисобига уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, банк ишини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш;

тижорат банкларининг инвестиция жараёнларидаги ролини ошириш ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги тадбиркорлик тузилмаларининг кредит ресурслари, шу жумладан халқаро молия ташкилотлари линияси бўйича кредит ресурслари олиши механизмини такомиллаштириш;

банклар фаолиятининг тезкорлигини ошириш, халқаро молия бозорлари билан интеграциялаш учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида замонавий халқаро стандартларга мувофиқ маълумотларни узатиш банклараро тармоғининг ахборот-компьютер инфратузилмасини янада такомиллаштириш;

корпоратив бошқариш принципларига асосланган банклар менежментининг бозор тизимини шакллантириш, банкларни бозор шароитларида ишлашга тайёр бўлган юрри малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, банк кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш усулларини такомиллаштириш;

аҳолининг банк тизимига бўлган юксак ишончини таъминлаш, омонатчилар, инвесторлар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати тизимини янада ривожлантириш.

Банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш дастурининг амалга оширилиши иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари учун анча ривожланган муҳитни таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг амалий фаоллигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз корхоналарини рақобатбардошлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатиш, мамлакат иқтисодиётига қўйилаётган жамғармалар ва инвестициялар даражаси жиддий равишда ўсишига кўмаклашиш, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсиш тенденцияларини мустаҳкамлаш йўли билан иқтисодиётда ижобий натижаларга олиб келади.

2003 йилдаги банк тизимини ислоҳ этишнинг асосий устувор йўналишлари қуйдагилар қилиб белгиланган:

1. Пул-кредит сиёсати инструментлари ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар такомиллаштириш.

- монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фойдаланган ҳолда пул бозорида пулга бўлган талаб орқали тартибга солиш;

- босқичма-босқич нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни унификация қилиш;

-халқаро амалиётдан фойдаланган келиб чиққан ҳолда мажбурий захирага ажратмалар нормативини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар;

-пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб бориш норматив базасини яратишни такомиллаштириш;

-бюджет ташкилотларида ойлик маошидан пластик карточкалар орқали беришда 2та босқичда пилот лойиҳасини амалга ошириш;

1-босқич – Тошкент шаҳрида

2-босқич - Нукус шаҳри ва вилоят марказларида.

-“Банк-мижоз” дастури орқали электрон банк операцияларининг методологик базасини ишлаб чиқиш;

-тижорат банклари томонидан мустақил инкассация хизмати ташкил этиш;

2.Банклар томонидан чакана хизматлар кўрсатиш ва истеъмол кредити тизимини кенгайтириш.

-жисмоний шахсларга кўрсатиладиган банк хизматларини кенгайтириш, омонатлар турини кенгайтириш ва банкларга жалб қилишни ошириш;

-истеъмол кредитлари бериш норматив базасини такомиллаштириш;

-жисмоний шахс бўлган қарз олувчиларнинг банклараро маълумотлар базасини ташкил этиш;

-банклар томонидан кредит пластик карточкалар эмиссиясини ташкил этиш.

3.Тижорат банкларидан босқичма-босқич назорат функцияларини олиб ташлаш.

-банкларнинг дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ҳисобини юритиш ва назорат қилиш мажбуриятидан холос этиш;

- экспорт-импорт операциялари ва улар бўйича ҳисобот олиб бориш мониторингини такомиллаштириш;

-хўжалик субъектлари касса дисциплинасига амал қилишларини назоратини бекор қилиш.

4.Банкларнинг молиявий барқарорлик ва капитализациясини ошириб бориш.

-умумбелгиланган нормативларга асосан бир акциядорга тўғри келувчи улушга олиб келиш;

-банк акцияларини реализация қилиш механизмининг такомиллаштириш.

5.Кредит институтлари фаолиятини тартибга солиш ва банкларнинг назорат тизимини такомиллаштириш.

-банк холдинглар ва гуруҳлар фаолиятини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш;

-ломбардлар фаолиятини ташкил этиш норматив- ҳуқуқий базасини шакллантириш;

- кредит уюшмаларини солиққа тортиш ва улар фаолиятини назорат қилиш норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

-банкларни ликвидация қилиш тартиби самарадорлигини ошириш;

-банкларда текшириш ўтказиш механизмининг такомиллаштириш.

6.Банк тизими шаффофлиги ва банкларни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш.

- қарз олувчилар информацион базасини ташкил этиш орқали кредит бозорини такомиллаштириш;

- молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мос банкларни молиявий ва солиқ ҳисобига олиб келиш;

- банкларда корпоратив бошқариш даражасини ошириш;

- белгиланган тартиб бўйича тижорат банкларини даромаддан(фойдадан) солиққа тортишга ўтказиш;

- банкларни умумий консолидацияланган баланс бўйича солиққа тортишни ташкил этиш .

7.Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига молиявий тизимни интеграция қилиш.

- ХВФ VIII моддасига мувофиқ мажбуриятларни қабул қилиш норматив-ҳуқуқий базасини ташкил этиш;

- ички валюта бозорида алмашув курсларини унификация қилиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш;

- нақд хорижий валюталар бозорида чегаларни бекор қилиш;

- валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш;

- ноқонуний олинган пул маблағларини легаллаштиришни олдини олиш механизмини ишлаб чиқиш;

- марказий банк ва мавжуд тижорат банклари интернет сайтларини ташкил этиш.

8.Тижорат банклари устав капиталида давлатнинг бевосита ва билвосита иштирокини камайтириш чора- тадбирлари.

- стратегик чет эл инвесторларига “Асака” банк акцияларини сотиш орқали хусусийлаштириш;

- ТИФ Миллий банкни акциялаштириш ва уларни стратегик чел эл инвесторларига сотиш;

- тижорат банклари устав капиталида давлат улушини қисқартириш;

- Ўзуйжойжамғарма банк , Ўзсаноатқурилиш банк , Пахта банк ва бошқа банкларда билвосита давлат улушини хусусий инвесторларга сотиш;

- банк ретсруктуризация қилиниши лозим бўлган активларни аниқлаш бўйича тавсиялар.

9.Банклараро бозорни такомиллаштириш.

- банклараро пул бозорида электрон савдоларни ташкил этиш тизимини ташкил этиш;

- банкларда бозор фаолияти норматив базасини такомиллаштириш;

- банклараро бозор синдикаторлари тизимини ташкил этиш;

- ипотека қарзлари ва ипотека қарзларини секьюритизация қилиш қонунчилик базасини ташкил этиш;

- муаммоли қарздорлик бозорини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини ташкил этиш;

-банкларнинг андерайтинг хизматларини ва қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни кенгайтириш;

-тижорат банкларини ягона вакиллик ҳисобварақларига ўтишни тугаллаш.

10.Банк-молия тадқиқот институтлари фаолияти, менежмент, банк кадрлар тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш.

-олий ўқув юртлари, банк колледжи ва банк синфларига дарслик, қўлланма ва методик ва адабиётлар янги авлодини ташкил этишни такомиллаштириш;

-қисқа муддатли янги банк ходимларига ўқув марказларида ва банк бўлимларида тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

-масофавий таълим олиш методларини ўқув жараёнларида қўллаш.

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида 2005 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори чикди.

Юқоридаги мақсадларга эришишни таъминлаш учун устувор йўналишлар, тегишли тавсиялар ва курсатмалар белгилаб берилган.

Банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилган:

пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта ва унинг айирбошлаш курси барқарорлигини кучайтириш, аҳолининг банк депозитларига қўядиган омонатлари кўпайишини рағбатлантириш, банкдан ташқари айланмада келаётган молиявий маблағлар ва окимларни банк айланмасига жалб этиш;

тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ошириш,банкларни капиталлаштириш, уларнинг устав жамғармалари ва айланма маблағларини кўпайтириш, кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар куриш;

тижорат банкларини тўлиқ хусусийлаштириш, банк ва лизинг хизматларининг тўлақонли бозорини шакллантириш, халқаро банк ва молия капиталини кенг кўламда жалб этган ҳолда қўшма банклар ташкил қилиш;

пул-кредит сиёсати воситаларини, жумладан лойиҳаларни молиялашни янада такомиллаштириш, нақд ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига харидорлар талабини рағбатлантирувчи турли хил истеъмол кредитларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш;

иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда, инвестиция дастурларини амалга оширишда, биринчи галда иқтисодиётнинг реал

тармоқларига инвестиция киритиш учун маблағлар жалб этишда тижорат банкларининг фаол иштирок этиши;

тижорат банкларининг корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларида кенг иштирок қилиши, қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг операцияларини ва банкларнинг корхоналарни ишончли бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш;

> тижорат банкларини касбий жихатдан юқори малакали кадрлар билан мустахкамлаш, банк ходимларининг масъулияти ва маданиятини ошириш.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари устав капиталининг минимал ва етарли даражаларини белгилаб беради. Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги ташкил этиладиган банклар устав капиталининг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш, уни 2007 йилнинг 1 январига қадар қуйидаги миқдорларга етказиш тўғрисида таклиф амалиётга тадбиқ қилина бошланди.

тижорат банклари учун - сўмга айлантириб ҳисоблаганда 5 миллион АҚШ долларигача;

хусусий банклар учун сўмга айлантириб ҳисоблаганда 2,5 миллион АҚШ долларигача.

Тижорат банкларига банкларни капиталлаштириш даражасини ошириш ҳамда қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва сотиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг жалб этиладиган депозитларини ошириш ҳисобига уларнинг активларини кўпайтириш бўйича 2005-2006 йилларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилди.

Тижорат банкининг ўз капитали (регулятив капитали) нинг банк активлари умумий миқдорида нисбати 10 фоиздан кам бўлиши мумкин эмаслиги ўрнатилсин.

Тижорат ва хусусий банкларнинг акциядорлик жамиятларини ишончли бошқарувида фаол ҳамда кенгроқ иштирок этишлари уларнинг республика ҳудудидаги устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблана бошланади.

Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш учун тижорат банкларига қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида қатнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизгача миқдорини белгиланган тартибда сотиб олишларига рухсат берилади.

Тижорат банклари акциялари (улушлари) бўйича жисмоний шахсларнинг дивидент тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинади.

Жараёни амалга оширишда банкларни хусусийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги ва Марказий банк иштирокида 2005-2006 йилларда "Асака" банкни хусусийлаштиришни, 2005-2009 йилларда эса Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкни хусусийлаштиришни амалга оширади, давлат

улуши қисмини етакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотади.

Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришда тижорат банкларига ўз фаолиятларини самарали амалга оширишлари мақсадларида солиқ соҳасида имтиёз белгилаб берилди, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия Вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг тижорат банкларига 2010 йилни ҳам ўз ичига олган даврда қуйидаги солиқ имтиёзлари бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинади:

> банклар республикамиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олган ва банкларнинг ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойдаларини фойда (даромад) солиғидан озод қилиш. Статистика ва банк ҳисоботларида банкларнинг берилган узоқ муддатли кредитлардан олган фойдалари акс эттирилиши таъминланади;

> тижорат банкларининг тасдиқданган давлат дастурларига мувофиқ ташкил этиладиган кичик банкларни очиш бўйича сарф-харажатларини солиққа тортиладиган базадан чиқариш.

Республикамизда тижорат банклари фаолиятининг самарали амалга ошиши мақсадида 2005-2007 йилларда тижорат банкларига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

туғатилаётган банкрот корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати билан берилган кредитлар бўйича қарзини биринчи навбатда ундириб олиш;

банкротлик тўғрисида банк томонидан кўзғатилган даъво муносабати билан тугатиш жараёнида бўлган, кредиторлик қарзи таркибида банк кредитлари бўйича қарз 70 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этадиган корхонани, суд қарори бўйича банк мулкига ўтказиш шу жумладан бундай корхонани сотишдан олинган маблағларни кредиторлик қарзини тўплашга йўналтирган ҳолда уни маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш.

тижорат банкларининг банкротлик тўғрисида банк томонидан кўзғатилган даъво муносабати билан тугатиш жараёнида бўлган корхонанинг банк мулкига ўтказилиши натижасида қўлга киритилган мол-мулки янги мулкдорларга сотилмагунча мулк ва ер солиғига тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тижорат банклари фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига, банклар ва уларнинг филиалларини банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар ва ишларни бажаришга жалб этишга йўл қўймаслик борасида, банклар тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни кучайтириши.

Ушбу Қарор ва 2000 йил банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги дастлабки фармон республикада амал қилаётган банк тизимини янада такомиллаштириш, унинг жаҳон амалиётига мувофиқ ривожланиши учун замин яратади. Уларнинг амалиётга тўлақонли тадбиқ этилиш кўзланган мақсадларга эришишнинг гаровидир.

«Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига илова сифатида Банк секторини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг 2005-2007 йилларга мўлжалланган Дастури ишлаб чиқилди ва бу дастурнинг йўналишлари бўлиб қуйидагилар белгиланди.

Пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш ва самарали фаолият кўрсатувчи пул бозорини ташкил этиш;

Инвестициялаш жараёнларида, иқтисодиёт субъектларини кредитлаш ва давлат корхоналарини хусусийлаштиришда банклар иштирокини кенгайтириш;

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш;

Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва капиталлашувини ошириш, хусусий ва чет эл капитали иштирокида банклар ташкил этишни рағбатлантириш;

Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш;

Банк кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, семинарлар ва амалий тадқиқотлар ўтказиш.

2005-2007 йил банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари алоҳида кўриб чиқамиз:

1.Пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш ва пул бозори фаолияти самарадорлигини таъминлаш.

-монетар агрегатларни бошқариш орқали пул-кредит сиёсатини макроиқтисодий ва бюджет кўрсаткичлари динамикасини такомиллаштириш;

-банкларда кредит ресурслари электрон бозорида кундалик савдо ўтказиш ва пул бозори индикаторлар тизимини такомиллаштириш;

-мажбурий захира механизмини такомиллаштириш;

2.Инвестицион жараёнларда банклар иштирокини кенгайтириш, иқтисодий объектларни кредитлаш ва давлат ташкилотларини хусусийлаштириш.

-кўчмас мулк гарови механизмини такомиллаштириш, гаровга олиган пулни баҳолаш;

-ипотека кредити қонунчилик базасини шакллантириш;

-қимматли қоғозлар бозорида электрон савдо тизими ва муқобил савдо майдончаларини тижорат банкларининг иштирокида ташкил этишни ривожлантириш;

-тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва бошқа активларни гарови остида узоқ муддатли қимматли қоғозлар чиқариш бўйича чора-тадбирлар;

-тижорат банклари томонидан синдикат кредитларини бериш тизимини ривожлантириш;

-фермер ва ширкат хўжаликлариини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш.

3. Кичик бизнес объектлари ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш.

- кичик бизнес субъектларини суғурталаш бозор инфратузилмасини ташкил этиш;

- кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда янги банк хизматларини амалиётга тадбиқ этиш;

- кредит уюшмалари фаолиятини ташкил этиш қонунчилик базасини такомиллаштириш.

4. Банклар молиявий барқарорлиги ва капитализацияси, хусусий ва чет эл капитали иштирокида банкларни ташкил этишни жадаллаштириш.

- қайта ташкил этилаётган тижорат банклари устав капитали минимал талабларини кўриб чиқиш;

- банклар капитализациясини ва активлар салмоғини қўшимча акциялар эмиссия қилиш орқали ошириш;

- хусусий банкларни ташкил этиш бўйича қонунчилик базасини такомиллаштириш;

- тижорат банклари кредит портфелини комплекс таҳлил қилиш;

- тижорат банклари муаммоли кредитларини реструктуризация қилиш;

- Асака ва ТИФ Миллий банкларни хусусийлаштириш бўйича ишлар олиб бориш;

- Ўзуйжойжамғарма банк ва Замин банкларини бирлаштириб акционер тижорат ипотека банк “Ипотека банк” ташкил этиш.

5. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат тизимини такомиллаштириш .

- банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсиялари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда капитални тартибга солиш нормативини ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

- кредит ахборотлари миллий институти фаолиятини марказий банк қошида ташкил этиш ва тижорат банклари кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш;

- молиявий ҳисобот халваро стандартларини амалиётга жорий қилиш комитети ишини ташкил этиш;

- халқаро аудиторлик стандартларини тижорат банклари аудити ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

- “Давлат бюджетининг ғазна ижроси” тўғрисидаги Қонунга мувофиқ тижорат банкларининг давлат бюджет касса ижроси фаолиятини бошқа органларга бериш.

6. Банк кадрларини тайёрлаш, семинарлар ва амалий тадқиқотлар.

- банк ходимларини инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш ва қимматли қоғозлар билан операциялар соҳасида ўқитиш ва қайта ўқитишни такомиллаштириш;

- замонавий банк ишини ўқитиш методикаларини чет эл етакчи муассасаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш.

2007 йил 7 ноябрда “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”

Президентимизнинг 726-сонли Қарори қабул қилинди ҳамда 2007-2010 йиллар банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланди:

1. Банк-молия тизими норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш.

-“молия-саноат гуруҳлари” қонун лойиҳасини тайёрлаш ва унда тижорат банклари шитирокини кенгайтириш;

-“коллекторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш;

-“ипотека қимматли қоғозлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

-“секюритизация тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

-банк назорати бўйича Базел-2 талбларини босқичма-босқич банкларни барқарорлик, ишончилиги ва шаффофлигини таъминлашда қўллаб бориш;

-қимматли қоғозлар бирламчи кенгайтириш (IPO) ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва бунда банкларни ҳисобга олган ҳолда.

2. Тижорат банкларини фонд бозорларида қимматли қоғозлар фаол жойлаштириш орқали банклар капитализация даражасини ошириб бориш.

-230 млрд сўмга тенг бўлган акцияларни чиқариш орқали банклар капиталини ошириш(2007) ва ҳар йилда камида 20% ошириб боришни рағбатлантириш;

-1 январь 2008 йилда белгиланган меъёрларда тижорат банклари каапитали етарлилигини таъминлаш;

-ТИФ Миллий банкини акциялаштириш ва ялпи капитал суммасини 1 январь 2010 йилга қадар 20% оширишга эришиш;

-Асака банк устав капиталига чет эл инвесторларни жалб этиш (51% акциясини сотиш ва баҳолашга тендр эълон қилиш);

-2010 йил 1 январь санасига Халқ банки устав капиталини 10 мартага ошириш;

-банк акциялари ва муддатли қимматли қоғозларига эга бўлган миждозларга банк хизматларини кўрсатишга имтиёзларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот ишлари олиб бориш.

3. Банкларнинг инвестицион жараёнларда иштирокини кенгайтириш, корхоналарни техник ва технологик қайта қуроллантириш, модернизациялаш.

-инвестицион траст компаниялари фаолиятини ташкил этиш орқали тижорат банклари фаолиятини фаоллаштириш;

-техник ва технологик қайта қуроллантиришда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан қатнашишни кенгайтириш.

4. Юридик ва жисмоний шахсларнинг банкка бўлган ишончини ошириш, янги очик хизматларини ва молиявий инструмнетларни жорий этиш.

-ягона информацион-консалтинг марказини ташкил этиш;

-тижорат банклари суғурта механизмларидан фойдаланган ҳолда рискларни бошқаришни кенгайтириш;

-жаҳон амалиётини ҳисобга олиб миллий индивидуал банклар рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш;

-тижорат банклари кредитга лаёқатлилиги бўйича халқаро рейтингини олиш бўйича чоралар кўзиш;

-юримдик ва жисмоний шахслар депозит маблағларини узок муддатга (1 йилдан ортик) жалб қилиш узок муддатли ресурслари;

-тижорат банклари томонидан янги молиявий инструментлар жумладан, субсидиялар, қарзлар, облигациялар ҳамда талаб қилиш ҳуқуқини бериш шулар жумласидандир;

-пул бозорини ривожлантириш ҳамда банклар ликвидлигини таъминлаш мақсадида РЕПО операциялари, СВОП операциялари ва бошқа операцияларини такомиллаштириш.

5.Тижорат банклари ходимларини малакасини ошириш, замонавий фикрлайдиган илмий-амалий тадқиқотлар, конференциялар ва семинарлар ташкил этишни такомиллаштириб бориш.

-банк ва бошқа кредит ташкилотлари раҳбар ходимлари профессионал малакасини ошириб бориш бўйича методик ишларни амалга ошириш;

-банк ходимларини етакчи давлат банкларида ва илмий тадқиқот марказларида, молиявий институтларда ва ўқув муассасаларида турли программаларида малака оширишни уюштириш;

-Ўзбекистонда янги молиявий муассасалар (инвестицион фонд, нодавлат пенсион фонд, банк ходимлари) ташкил этиш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш;

-банк сири тўғрисида маълумотлар ошкорлиги бўйича банк ходимлари ва бошқа бошқарувчиларига жавобгарликни ошириш.

2.2. Банк соҳасини ислоҳ қилишни 2011-2015 йиллардаги ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Республика молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини баҳолаш ёндашуви ва тизимларини тубдан ўзгартириш, банк фаолиятини ташкил этилишини умум қабул қилинган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ янада юқори даражага кўтаришни таъминлаш мақсадида “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ қуйидагилар республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан тижорат банкларининг янада капиталлашуви, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш, ресурс базаларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш;

омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ҳамда аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, янги жозибадор омонат ва депозитлар турларини жорий қилган ҳолда аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш;

етақчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган ва алоҳида банклар ва бутун банк тизимининг бутун жаҳонда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичларининг янада юқори даражасига чиқиш йўлидаги илгарилашларини ҳолисона баҳолаш имкониятини берувчи халқаро меъёр, мезон ва андозалар асосида тижорат банклари фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий тизимини жорий қилиш;

молия-банк фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаларини янада такомиллаштириш, давр талаблари ва халқаро меъёрлар ҳамда андозаларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар ва норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ва уларнинг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, таваккалчиликларни баҳолаш ва лойиҳаларни экспертиза қилиш тизимини такомиллаштириш орқали кредит портфели сифатини яхшилаш ва доимий ўсишини таъминлаш, кредитлар бўйича муаммоли

карздорликни шаклланишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар кўриш;

нобанк молия ташкилотлари, кредит уюшмалари, лизинг, суғурта ва аудиторлик компаниялари тармоғини янада ривожлантириш ва ролини ошириш, халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқ, уларнинг барқарорлигини ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва молия бозори инфратузилмаси институтини мустаҳкамлаш;

аҳоли фаровонлигини ва бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштириш муҳим инструменти сифатида микромолиялаш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш;

тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботнинг замонавий технология ва услубларини янгича ёндошувларини шакллантириш ва жорий этиш, молия-банк ахборотлари сифат даражасини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ ундан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш;

республика тижорат банклари ва молия институтларини бутун жаҳонда қабул қилинган андозалар, услублар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, мукамал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 августдаги Ф-3476-сонли Фармойиши билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган, қуйидагиларни ўз ичига олган 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш Дастури маъқулланди. Ушбу дастур таркиби 11 та қисмдан иборат:

I. Банк фаолиятининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш:

- Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий банк ва молия институтлари ва улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.
- Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.
- Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.

II. Ўзбекистон банк тизими фаолиятини баҳолаш учун етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёр, андозаларни ва баҳолаш кўрсаткичларни жорий этиш

- Тижорат банклари фаолиятларини ва бутун республика молия-банк тизимини баҳолаш учун «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан

қўлланиладиган меъёр, андозаларни ва баҳолаш кўрсаткичларни жорий этиш.

- Республика тижорат банклари томонидан «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» етакчи халқаро рейтинг компанияларининг рейтинг баҳоларини мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлаш.
- Республика тижорат банклари ва бошқа молия институтлари фаолиятларини баҳолаш тизимини халқаро рейтинг компанияларининг мезон ва андозалари асосида амалга ошириш учун халқаро молия институти ва рейтинг компанияларидан техник ёрдам ва экспертларни жалб этишни амалга ошириш.
- Ҳар чоракда халқаро баҳолаш тизими асосида тижорат банкларининг молиявий ҳолатини ва барқарорлигини баҳолаш ва унинг натижаларини доимий равишда кўриб чиқиш механизмининг жорий этиш.
- Нобанк кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари, молиявий хизмат кўрсатадиган бошқа ташкилотлар, маҳаллий эмитентлар ва улар томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни рейтинг баҳолашнинг миллий тизимини жорий этиш ва янада такомиллаштириш.
- Етакчи халқаро рейтинг компанияларидан мамлакат рейтингини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси бўйича таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

III. Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва институционал ривожлантириш, халқаро андозалар асосида тижорат банклари капиталлашув даражасини, барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш

а) тижорат банклари капиталлашуви даражасини ошириш, банк тизимини янада институционал ривожлантириш

- Тижорат банклари умумий капиталини ўстириш, шу жумладан уларнинг қўшимча акцияларини чиқариш орқали ошириш, 2011-2015 йилларда унинг ўртача 2,1 мартага оширилишини таъминлаш.
- Банк тизимининг умумий устав капиталда нодавлат сектори улушини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- Банк назорати тизимида, капитал етарлилигига бўлган талабларни такомиллаштиришни, кутилаётган йўқотишлар модели асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиришни кўзда тутувчи Базель қўмитасининг янги тавсияларини тадбиқ этиш.
- Халқаро банк амалиётига мувофиқ операцион харажатларини қоплашни ва банклар тузилмаларининг рационал фойдалилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда республика тижорат банкларининг тариф сиёсатини такомиллаштириш.

- Банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини ҳолис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини тадбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш.

б) аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилаётган молия-банк хизматларининг ҳажми ва кўламини кенгайтириш

- 2011-2015 йилларда аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини 2,5 мартага ошириш.
- Аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, шу жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларни чиқариш, субординар қарзларни фаол жалб қилиш.
- Кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ва кўламини ахборот-алоқа технологияларни кенг қўллаш билан кенгайтириш бўйича чора – тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан 2015 йилгача республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интернет-банкнинг бўйича хизматлар кўрсатилишини таъминлаш.
- 2011-2015 йилларда банк пластик карточкаларини муомалага чиқариш ҳажмини 1,5 мартага ошириш орқали банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш.
- Маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда пластик карточкаларни йилига 500 минг донадан кам бўлмаган ҳажмда ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни таъминлаш.
- Банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлаб чиқаришни таъминлаш.
- Банклар бўлинмалари ва филиалларидан банклар бош офисининг қайта ишлаш марказлари, Ягона умумреспублика процессинг маркази ва ҳисоб-китоб банкигача маълумотларни етиб келишида уларни қайта ишлаш оралиқ бўғинларини қисқартириш ҳисобига, тўловлар ўтказиш жараёнларини тезлаштириш.

в) банк Кенгашлари ролини янада ошириш ва тижорат банкларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш

- Тижорат банклари кенгаши таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этувчи аъзоларни мажбурий равишда киритиш талабини амалиётга жорий қилиш.
- Банкнинг йирик (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдордаги) битимларини тузиш ва улар муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларни банк Кенгаши томонидан маъқулланилишининг мажбурийлиги бўйича тегишли меъёрларни киритиш.

- Банкнинг корпоратив бошқарув тузилмасига банк Кенгашига бевосита бўйсунувчи рисклар назоратини амалга оширувчи тегишли Қўмитани мажбурий равишда киритилишини жорий қилиш.
- Ҳар чоракда банк Кенгаши йиғилишларида банк бошқарув раиси ва аъзолари, ички аудит бўлими раҳбарларининг банк активлари, кредит ва инвестиция портфеллари ҳолати, банк капиталини ўсишини таъминлаш, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизими олдига қўйилган бошқа устувор вазифаларнинг ижроси тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш.
- Тижорат банкларининг ички аудит хизматларини қуйидагиларга асосан янада кучайтириш:
 - тижорат банклари филиаллари фаолиятларини мониторинги натижаларини банк Кенгаши йиғилишларида мунтазам равишда кўриб чиқиш орқали мониторинг тизимини такомиллаштириш;
 - банк ички аудит хизмати ходимларига нисбатан банкнинг
 - пул муомаласи, кредит, валюта, депозит операциялари ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимларида камида 3 йил иш стажига эга бўлиш талабини ўрнатиш;
 - ички аудит хизмати ишининг самарадорлигини банкнинг активлари, кредит ва инвестиция портфели сифати ҳамда банк фаолиятига тегишли бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб баҳолаш механизмини жорий қилиш.

IV. Тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини, улар томонидан ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш

- 2011-2015 йилларда тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестициявий лойиҳаларни ва иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларини кредитлаш ҳажмини 2,8 мартага ошириш.
- Лойиҳавий молиялаштиришнинг халқаро тамойилларига мувофиқ йирик инвестицион лойиҳалар (200 млн. АҚШ долл.дан юқори) ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, тасдиқлаш ва молиялаштириш ва тўғрисидаги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.
- Банкда инвестиция лойиҳаларининг экспертизаси сифатини, шу жумладан, уларнинг жараёнларнинг шаффофлигини ошириш, банкларнинг лойиҳалаштириш институтлар билан ўзаро фаолиятларини тажриба алмашиш, зарурият туғилганда лойиҳаларни экспертиза қилишга лойиҳалаштириш институтларни жалб қилиш орқали мустаҳкамлаш, шунингдек лойиҳа экспертизаси жараёнида барча потенциал омиллар ва рискларни иноватга олишни таъминлаш.
- Тижорат банклари томонидан хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргаликда инвестициявий лойиҳаларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича инжиниринг компанияларини ташкил этиш.

- Тижорат банкларининг инвестициявий фаолиятига масъул бўлган ташкилий тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан уларнинг ишларини ташкиллаштиришни ва самарасини яхшилаш, кадрлар потенциалини ошириш.

V. Тижорат банклари активларини, шу жумладан кредит портфелларини янада ўсишини ва сифатини яхшилашни таъминлаш, таваккалчиликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш

- Банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизми жорий қилиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашларни кўзда тутган ҳолда банклар активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, шунингдек муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар қабул қилиш.
- Банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор таваккалчиликларини аниқлаш бўйича меъёрий ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.
- Жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда банклар мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилишнинг замонавий услубиётини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
- Кредит операцияларининг қайтишлилик, қопланувчанлилик ва даромадлилигидан ҳамда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлилигидан келиб чиққан ҳолда бевосита кредит ажратиш масалалари билан шуғулланувчи тижорат банклари раҳбар ва ходимларини рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш.

VI. Молиявий нобарқарор ва иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш ва стратегик инвесторларни жалб қилиш

- Тижорат банкларининг бошқарувчи компаниялари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича:
- банклар балансларига олинган банкрот-корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш;
- корхоналарни тиклаш жараёнига потенциал инвесторлар ва ҳамкорларни, жумладан корхоналарни модернизациялаш фаолиятида илғор тажриба ва билимга эга бўлган юқори малакали хорижлик менежерлар ва мутахассисларни янада фаол жалб этиш.
- Ходимларни моддий рағбатлантириш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг таъсирли механизмларини яратиш. □ Тижорат банклари балансларига берилган банкрот корхоналар базасида тикланган (янги ташкил этилган) корхоналарни сотиш учун потенциал инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни излаш жараёнини фаоллаштириш.
- Тижорат банклари балансларига берилган банкрот корхоналар базасида тикланган (янги ташкил этилган) корхоналарни сотиш учун потенциал

инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни излаш жараёнини фаоллаштириш.

- Қуйидаги механизмларни жорий этиш:
- тижорат банклари балансларига берилган банкрот корхоналар мол-мулки негизида янги ташкил этилган корхоналар ишлаб чиқаришини тиклаш ҳисобига янги ишчи ўринларни яратиш, маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш, инвестицияларни ўзлаштириш бўйича прогноз ҳажмларни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳар йиллик режа жадвалларни тасдиқлаш;
- тижорат банклари Бошқарувлари томонидан доимий равишда тасдиқланган режа-жадвалларининг бажарилишини кўриб чиқиш. □ Тижорат банкларига аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар негизида ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий соғломлаштириш, бизнес-режаларни бажариш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари раҳбарлари ва тегишли тузилмавий бўлинмалари жавобгарлигини кучайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.
- Тижорат банкларига аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар негизида ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий соғломлаштириш, бизнес-режаларни бажариш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари раҳбарлари ва тегишли тузилмавий бўлинмалари жавобгарлигини кучайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

VII. Жамғариб бориладиган нафақа тизимини янада кенгайтириш ва ривожлантириш

- Қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ихтиёрий ажратмаларидан жамғариб бориладиган нафақа тизимига келиб тушадиган маблағларни кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш:
- а) Халқ банки томонидан жамғариб бориладиган нафақа тизимига ихтиёрий равишда бадал кўювчи шахсларга жозибадор банк хизмати турларини жорий қилиш, жумладан кредитлар бериш, банк хизматлари бўйича жозибадор тарифларни тақдим этиш;
- б) жамғариб бориладиган нафақа тизимига узоқ муддатга маблағларни жойлаштиришнинг афзалликларини, қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзларни, жойлаштирилган маблағларнинг даромадлилиги ва тўлиқ қайтарилишини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш. □ Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ва йирик ишлаб чиқариш объектлари инфраструктураларида стратегик муҳим инвестициявий лойиҳаларни, жамғариб бориладиган нафақа тизими маблағлари, шу

жумладан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг валюта кредити ҳисобидан тижорат банклари орқали молиялаштиришни янада кенгайтириш.

- Иқтисодийнинг асосий тармоқларида ва йирик ишлаб чиқариш объектлари инфраструктураларида стратегик муҳим инвестициявий лойиҳаларни, жамғариб бориладиган нафақа тизими маблағлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг валюта кредити ҳисобидан тижорат банклари орқали молиялаштиришни янада кенгайтириш.

VIII. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича, халқаро андозаларини жорий қилиш ҳамда ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш тизимларини янада такомиллаштириш

- ФАТФ ва тегишли ҳудудий ташкилотлар тавсияларига мувофиқ тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари ва бошқа молиявий ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базаларни янада такомиллаштириш.
- Тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари ва бошқа молия ташкилотларида ички назоратга масъул бўлган ходимлар учун ўқув курсларини, шу жумладан хорижий экспертларини жалб қилган ҳолда ташкил этиш.
- Тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари ва уларнинг филиалларида ички назорат тизимини ташкил қилиш ва унинг фаолият юритиши бўйича қоида ва тартибларни такомиллаштириш.
- Шубҳали ва гумонли операцияларни аниқлаш, шунингдек ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш ва банк мижози тўғрисидаги маълумотларни сир сақлаш жараёнларини такомиллаштириш учун тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларининг ички назорат тизимида янги технологиялар ва дастурий таъминотлардан фойдаланишни жорий қилиш ва кенгайтириш.
- Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизимининг маълумотлар базасига рухсатсиз киришдан ишончли ҳимоялашни ва махфий ахборотларни ҳимоялашни таъминлашга имкон берувчи янги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва маълумотлар базасига кира оладиган шахслар доирасини қисқартириш ҳисобига товламачилик фаолиятдан келиб чиқадиган таваккалчиликларни олдини олиш.
- Видеокузатув воситаларини ўрнатиш, ташқи кўриклаш бўлимлари билан боғланган ташвиш-сигнализация қурилмалари билан мажбурий жиҳозланиши устидан назоратни кучайтириш орқали тижорат банкларининг барча бўлинмаларида (филиаллар, минибанклар, жамғарма ва махсус кассалар), узоқ жойлашган банк ускуналарида (банкоматлар, терминаллар, инфо-киоскалар ва бошқ.) хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш.

IX. Кичик бизнес субъектларини ва хусусий тадбиркорликни кредит-молиявий қўллаб-қувватлаш

- 2011-2015 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини 2,7 баробарга кенгайтириш.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини ўзлаштириш ва жалб қилишни фаоллаштириш, бунда кўрсатилган молиялаш манбалари ҳисобидан 2011йилда–75 млн. долл., 2012 йилда–90 млн. долл., 2013 йилда–110 млн. долл., 2014 йилда–130 млн. долл. ва 2015 йилда–155 млн. долл. дан кам бўлмаган ҳолда молиялаштиришни таъминлаш.
- Узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш Фонди маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш юзасидан таклифлар киритиш.
- Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида қуйидагиларни назарда тутган ҳолда иқтисодиётнинг устувор йўналишларидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга ихтисослаштирилган Жамғармани ташкил этиш:
 - Жамғарма маблағлари техник-иқтисодий асоснома (ТИА) лойиҳаларини тайёрлаш учун ишлатилиб, кейинчалик ушбу харажатлар лойиҳа молиялаштирилиши бошлангандан сўнг банк кредити суммасига қўшилади;
 - Жамғарма таъсисчилари, тижорат банклари, нобанк кредит ва молия уюшмаларининг бадаллари Жамғарма манбалари ҳисобланади;
 - ТИА лойиҳаларини тайёрлаш учун лойиҳа ғояларини саралаш ва танлаш танловм асосида амалга оширилади. □ Ҳудудлар ва кредитланадиган фаолият турлари (хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва бошқаларни кенгайтириш) кесимида, шунингдек кредитларни ўзлаштириш натижасида янги ишчи ўринларни яратиш бўйича АТБ «Микрокредитбанк» томондан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларга ажратиладиган микрокредитларни кенгайтириш йиллик Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- Ҳудудлар ва кредитланадиган фаолият турлари (хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва бошқаларни кенгайтириш) кесимида, шунингдек кредитларни ўзлаштириш натижасида янги ишчи ўринларни яратиш бўйича АТБ «Микрокредитбанк» томондан кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларга ажратиладиган микрокредитларни кенгайтириш йиллик Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

- АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилишини, уй-жой қурилиш массивларини керакли муҳандислик коммуникациялари билан таъминлаган ҳолда молиялаштирилишини кенгайтириш.
- Аҳолига, оммавий ахборот воситалари орқали намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда қурилган уй-жойлар шароитларининг жозибадорлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш. □ Бошқа тижорат банклари фаолиятларида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»да қўлланадиган уй-жой қурилиш-жамғарма омонатлари моделини тадбиқ этган ҳолда қурилиш ва қайта қуришни, айниқса қишлоқ жойларда кредитланиш фаолиятини янада кенгайтириш.
- Бошқа тижорат банклари фаолиятларида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»да қўлланадиган уй-жой қурилиш-жамғарма омонатлари моделини тадбиқ этган ҳолда қурилиш ва қайта қуришни, айниқса қишлоқ жойларда кредитланиш фаолиятини янада кенгайтириш.
- Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмларини қуйидаги йўллар билан кенгайтириш:
- истеъмол маҳсулотларини, айниқса гўшт-сут ва сабзавот ишлаб чиқарувчиларни кредитлашнинг банклар ва ҳудудлар кесимида ҳар йиллик прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун жозибадор бўлган турли молиявий инструментларни (асбоб-ускуна, хом-ашё ва материалларни сотиб олиш учун савдони молиялаштириш, экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини ва бошқаларни) фаол қўллаш. □ Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан мураккаб маиший-техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиши учун аҳолига истеъмол кредит ажратилишни кенгайтириш.
- Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан мураккаб маиший-техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиши учун аҳолига истеъмол кредит ажратилишни кенгайтириш.
- Истеъмол кредитларини тенг суммаларда тўлаш механизмини жорий этиш орқали истеъмол кредити ажратиш шартларини тартибга солувчи Марказий банк ва тижорат банклари меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.

Х. Тижорат банкларида молия-банк ҳисоби ва ҳисоботлари бўйича замонавий технология ва услубларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш, молия-банк ва кредит ахборотлари даражаси ва сифатини ошириш ва ундан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш

- Тижорат банкларида молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МХХС) тўлиқ мослаштиришни инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш.
- МХХС талабларини инобатга олган ҳолда банкларнинг автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш.
- Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, шу жумладан йиллик молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда ўрнатилган тартибда оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан банкларнинг интернет сайтларида жойлаштириш.
- Тижорат банклари фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини таҳлил қилиш учун етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва андозалар бўйича ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш.
- Оммавий ахборот воситаларида қуйидагиларни кенг ёритиш:
- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар маблағларини банклардаги депозитларга жойлаштириш бўйича имтиёзлар ва қулай шарт-шароитлар;
- фуқароларнинг депозитлари бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда, шу жумладан банкларнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолатларида ҳам қоплашни кафолатлаш;
- банк ва кредит уюшмаларидаги омонатлар ҳамда банк акцияларидан олинган даромад ва дивидендларни солиқдан озод қилиш бўйича имтиёзлар;
- банкларнинг қарз қимматли қоғозлари эгаларига тақдим этилган имтиёзлар;
- омонатчининг биринчи талабига кўра депозит суммаларини, шу жумладан хорижий валютадаги маблағларни нақд пулларда тўлаш бўйича банкларнинг мажбурияти.
- Ҳудудларда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш мақсадида доимий равишда амалий семинарлар ўтказиш, уларни банк хизматлари билан таништириш, банк мижозларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек тақдим этилаётган хизматлар сифатини ва келиб чиқаётган мавжуд муаммоларни баҳолаш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида сўровлар ўтказиш.

XI. Банклар ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларни юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш

- Тошкент Давлат иқтисодий университети ва Тошкент молия институтида ўқув режалар, дастурлар ва мутахассисликларни тубдан қайта кўриб чиқиш, ўқув ва услубий ишларни ташкил этиш, бунда ўқув-услубий ишлар ва илмий-тадқиқот фаолиятлар сифатини замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда ошириш.

- Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институтида молия, лойиҳавий молиялаштириш, қимматли коғозлар, инвестициявий кредитлаш мутахассисликлари бўйича бакалаврият ва магистратурада янги таълим йўналишларини очиш.
- Банк иши ва молия соҳасида юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш махсус курсларини ташкил этиш:
- банк бошқаруви раҳбарлари ва ўринбосарлари ҳамда филиаллар раҳбарларини «Менежмент, банк иши ва молия» дастури бўйича (3 ойлик курслар);
- банклар ва уларнинг филиаллари бош бухгалтерларини «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тизими бўйича Халқаро бухгалтерия ҳисоби» дастури бўйича (3 ойлик курслар);
- банк бўлинмаларининг ўрта бўғин менежерларини «Банк ишида халқаро стандартлар» дастури бўйича (2 ойлик курслар)
- банк ходимларини «Молиявий таваккал-менежмент» ихтисослаштирилган дастури бўйича (3 ойлик курслар) □ Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, Банк-молия академияси, Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Худудий банк ўқув маркази, ТИФ Миллий банк, ДАТБ «Асака», АКБ «Агро банк» ва Халқ банки ўқув марказлари, хорижий ва халқаро ўқув марказлари, молия институтлари томонидан банк фаолиятининг долзарб йўналишлари бўйича ташкил қилинадиган курслар ва семинарларда банк ходимларини ўқитишни таъминлаш.
- Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, Банк-молия академияси, Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Худудий банк ўқув маркази, ТИФ Миллий банк, ДАТБ «Асака», АКБ «Агро банк» ва Халқ банки ўқув марказлари, хорижий ва халқаро ўқув марказлари, молия институтлари томонидан банк фаолиятининг долзарб йўналишлари бўйича ташкил қилинадиган курслар ва семинарларда банк ходимларини ўқитишни таъминлаш.
- Тижорат банкларининг лойиҳавий молиялаштириш, инвестициявий кредитларни бериш ва уларга хизмат кўрсатиш бўлинмаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш.
- Умум қабул қилинган халқаро меъёр ва андозаларга асосан банк фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларни ташкил этиш.
- Банк ходимларини ўқув курсларидан олдинги ва кейинги касбий даражасини таққослаш имкониятини берувчи ўқув курслари ва семинарларида таълим олишнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

- Банк иши ва банк назоратининг замонавий масалалари ҳамда банк фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг халқаро меъёр, мезон ва андозалари бўйича Япония, Жанубий Корея, Жанубий-Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида банк ходимларини ўқитиш учун қисқа муддатли хорижий курсларни ташкил этиш.
- «Ўзоғирнефтьгазкимёлойиха» институти қошидаги Инвестициявий лойиҳалар бўйича лойиҳавий ҳужжатларни тайёрлаш соҳасида мутахассислар малакасини ошириш Марказида тижорат банкларининг инвестиция масалаларига масъул бўлинмалари мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

2011-2015 йилларда республика микромолиялаш ва нобанк молия соҳаларини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

I. Микромолиялаш фаолияти ва нобанк молия институтлари соҳасидаги қонунчилик базаларини янада такомиллаштириш

II. Микромолиялаш ва нобанк кредит ташкилотлари соҳаларини ривожлантириш

III. Суғурта бозорини ривожлантириш ва суғурта компаниялари фаолиятларини янада кенгайтириш

IV. Лизинг хизматларини ривожлантириш

V. Тўлов тизими ва тўлов инфратузилмасини янада ривожлантириш

VI. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш

VII. Аудит хизматларини ривожлантириш

VIII. Молия бозорлари инфратузилмасини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларининг 2011-2012 йилларда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қуйидагиларни кўзда тутувчи таклифларига розилик берилди, яъни:

-тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйилган талабларни ошириш;

-тижорат банкларининг капитали таркибида уларнинг инқирозли ҳолатлар таъсирига қаршилик кўрсата олишини таъминловчи барқарорлаштириш захираларни ташкил этиш;

-нобанк кредит ташкилотлари учун қўшимча мажбурий иқтисодий меъёрларни жорий этиш.

Бунда тижорат банкларига берилган, банкрот корхоналар мол-мулки негизида ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

улар стратегик инвесторларга сотилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил

ноябрдаги Ф-4010-сонли фармойишининг 2-бандида кўзда тутилган солиқ имтиёзларидан фойдаланишга ҳақли;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш учун олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) 2011 йил 1 январдан бошлаб 2 йил муддатга озод қилинадилар.

III боб. Иқтисодийни ривожлантириш ва банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш истиқболлари

2010 йилда банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва Қарорларида белгилаб берилган банк тизими барқарорлигини янада кучайтириш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларига қаратилди, хусусан:

тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш;
аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш тадбирларини кенгайтириш;

банкларнинг инвестицион фаоллигини, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялашдаги ролини ошириш, банкрот ҳолатидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклашдаги иштироқини янада кучайтириш;

аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш борасидаги вазифалар ижроси таъминланди.

Шунингдек, банк муассасалари тармоғини кенгайтириш, мижозларга банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш ва уларнинг замонавий турларини жорий этиш, кредит ахбороти тизимини такомиллаштириш ва нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада - мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир.

Банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи қарзлар, асосан, узоқ муддатга, фақат иқтисодийнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди.

Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермокда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Ўтган йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди.

Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансида ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир.*

2011 йилга мўлжалланган монетар сиёсат ва банк тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги дастурий маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларига бағишланган маърузасида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратилади. Хусусан:

инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлишини таъминлаш ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини қўллаб-қувватлаш;

республика иқтисодиётининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш ва ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий қайта ўзгаришлар ҳамда юқори технологик замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш;

қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва техник янгилашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш;

инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ушбу соҳага максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳити яратиш;

бандликни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш муаммосини изчил ҳал этиш борасидаги тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш 2011 йилги пул-кредит сиёсатининг ва банк тизими фаолиятининг энг муҳим устувор йўналишлари қилиб белгилаб олинди.

2011 йилда республика банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини рағбатлантиришга қаратилган қуйидаги қатор муҳим чора-тадбирлар:*

* Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 24 январь

- халқаро амалиётдаги янги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда банк назоратини такомиллаштириш, тизимли таваккалчиликларни аниқлашга қаратилган макропруденциал назоратнинг ролини ошириш;

- банкларнинг капиталлашувини, активлари сифатини, улар фаолиятидаги таваккалчиликларни, жумладан кредит таваккалчилигини бошқаришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш;

- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш;

- иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш;

- тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботни юритишда замонавий технологиялар ва услубларни жорий этиш, уларнинг сифати ва очиклигини таъминлаш;

- республика тижорат банклари ва молия-банк тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ва уларнинг бажарилишига эришиш борасида тегишли ишлар олиб борилади.

2011 йилда банк тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилишни кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Шу билан бир қаторда 2011 йилда кредит ташкилотларининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор қонунчилик ҳужжатларини, жумладан, “Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”ги, “Гаров реестри тўғрисида”ги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш мўлжалланган.

Банк назоратини халқаро амалиётдаги янги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, банк тизимини институтчионал ривожлантириш борасида:

- жойларда ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича тижорат банклари: а) капиталининг етарлилик даражаси; б) активларининг сифати; в) бошқарув тизимининг сифати; г) ликвидлиги; д) даромадлилиги ҳамда е) бозор хавф-хатарларига нисбатан барқарорлигини баҳолашнинг такомиллаштирилган тизими (CAMELS) ни босқичма-босқич жорий этиш;

- турли макроиқтисодий вазиятлар, хусусан, жаҳон иқтисодиётида содир бўлиши мумкин бўлган стресс ҳолатларнинг банк тизимига таъсирини

* 2010 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили (www.cbu.uz/press)

«сценарий таҳлил» усулида ўрганишни банк назорати амалиётига жорий этиш;

- жаҳон молиявий инқирози сабабларини чуқур ўрганган ҳолда Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилаётган банк назоратининг такомиллаштирилган тизими – «Базель 3»ни босқичма-босқич тадбиқ этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

«Базель 3» тизими, аввалги тизимлардан фарқли ўлароқ, кутилаётган эҳтимолий йўқотишлар учун резервлар шакллантиришни, шу асосда, банкларда барқарорлаштириш жамғармасини ташкил этишни, шунингдек, капиталнинг етарлилик ва ликвидлик даражаси мезонларини кучайтиришни кўзда тутди.

Банк Кенгашини банк фаолиятини бошқаришдаги ролини кучайтириш, хусусан, банк Кенгашлари таркибига бетараф аъзоларни киритиш каби ишлар амалга оширилади.

Банклар активлари ва кредит портфели сифатини ошириш, улар фаолиятидаги таваккалчиликларни, жумладан кредит таваккалчилигини бошқаришни такомиллаштириш борасида:

- банк операцияларини ўтказишда операцион ва бозор таваккалчиликларини аниқлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва услубий тавсияларни такомиллаштириш;

- кредитлар ажратиш борасида қарорлар қабул қилишда банкларнинг кредит қўмиталари ва масъул ходимларининг жавобгарлигини ошириш;

- кредитлардан фойдаланиш ва қайтарилиши мониторингининг механизмларини бирхиллаштириш, улар бўйича таваккалчиликларни ўз вақтида аниқлаш, сифатли баҳолаш ва бартараф этиш, шунингдек, кредитлар бўйича муаммоли қарздорликларни пайдо бўлишини олдини олувчи чоралар тизимини ишлаб чиқиш;

- кредит ташкилотлари ва уларнинг филиаллари фаолиятини тартибга солишда ички назорат тизимининг ролини кучайтириш мақсадида амалдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;

- халқаро молия бозоридаги йирик банклар тажрибасидан келиб чиқиб, тижорат банкларида мижозларининг кредит тарихи ва молиявий кўрсаткичларига тегишли баҳо бериш орқали таҳлил қилиш услуги - «скоринг-таҳлил»ни кенг жорий этиш;

- тижорат банклари томонидан хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргиликда инвестицион лойиҳаларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича инжиниринг компаниялари фаолиятини жадаллаштириш;

- тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларини экспертиза қилишда жараёнлар шаффофлигини ошириш, хусусан, лойиҳаларни амалга оширишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омиллар ва таваккалчиликларни ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, банк хизматларининг сифатини ошириш ва янги турларини жорий этиш орқали

аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ҳажмларини ошириб бориш вазифалари доирасида:

- банклар жами капиталини йил мобайнида камида 20 фоизга ўсишини таъминлаш;

- банк хизматлари сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш ҳамда банк тизимига бўлган ишончни янада ошириш орқали аҳоли ва хўжалик субъектларининг банклардаги депозитлар ҳажмини камида 30 фоизга оширилишини таъминлаш;

- аҳоли ва хўжалик субъектларининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда омонатлар ва депозитларнинг янги турларини таклиф этиш, жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини муомалага чиқариш, субординар қарзлар амалиётини янада кенгайтириш;

- замонавий информацион-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда янги банк хизмати турларини жумладан, интернет-банкнинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенг йўлга қўйиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади.

Иқтисодиётга йўналтирилган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкларнинг инвестицион жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш борасида:

- иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларини, жумладан ҳудудларни ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини йил мобайнида 30 фоизга кўпайтириш;

- инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш;

- Ўзбекистон банклар ассоциацияси қошида тижорат банклари билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилиш;

- тижорат банкларининг устав капиталига йўналтирилган мақсадли маблағлар ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини имтиёзли кредитлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни давом эттириш;

- «Инқирозга қарши чоралар дастури»да 2011 йил учун белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш, хусусан:

тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усулларини тадбиқ этиш ҳамда уларни янги инвесторларга сотиш билан боғлиқ ишларни давом эттириш;

барқарор экспорт салоҳиятига эга корхоналарни имтиёзли кредитлар ажратиш йўли билан молиявий қўллаб-қувватлаш;

- аҳолига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарлари, жумладан узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарларни харид қилишлари учун

истеъмол кредитлари бериш кўламларини кенгайтиришга доир ишлар амалга оширилади.

2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес субъектларини кўллаб-қувватлашга қаратилган Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари талабларининг ижросини таъминлаш мақсадида:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадларига кредитлар ажратиш ҳажмини 2011 йилда, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлашни кенгайтиришга узоқ муддатли кредитлар бериш ҳисобига, 2010 йилга нисбатан 1,4 баробар ошириш чораларини кўриш;

- банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этиш, филиаллар ва мини-банкларида ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали тадбиркорлар учун таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб бориш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳаллий хом-ашё негизида экспортбоп рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларига, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт ва сутни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга жами 620 млрд. сўмлик кредитлар ажратиш чораларини кўриш;

- оилавий бизнес ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга жами 12 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилишини, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини айниқса қишлоқ жойларида ривожлантиришга, жами 280 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли ва “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли Қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга кредитлар ажратишни кенгайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли Қарорига мувофиқ чорвачилик соҳасини ривожлантиришга 2011 йил давомида жами 40 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилишини таъминлаш;

- чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга доир манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларга белгиланган муддатларда кредитлар ажратилишини таъминлаш;

- хорижий кредит линияларидан маблағлар жалб қилишни кенгайтириш орқали 2011 йил давомида кичик бизнесга халқаро молиявий институтларининг жами 112 млн. АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиялари жалб этиш юзасидан зарурий чораларни кўриш;

- мини-технология ва ихчам ускуналар сотиб олишга, айниқса «АгроМиниТех Экспо» кўргазма савдоларида тузилган лойиҳаларга банк филиаллари томонидан белгиланган муддатларда кредит ажратилишини доимий назоратга олиш;

- ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш, кичик бизнесни ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ Дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун зарур кредит ресурсларининг ўз вақтида ажратилишини таъминлаш;

- кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилади.

Тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботни юритишда замонавий технологиялар ва услубларни жорий этиш, уларнинг сифати ва очиклигини таъминлаш борасида:

- тижорат банкларида молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботларнинг янги халқаро андозалари тавсияларини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш;

- молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларидан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасини такомиллаштириш;

- тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини, жумладан, йиллик молиявий ҳисоботларини оммавий ахборот воситалари ва интернет-сайтларида мунтазам эълон қилиб бориш;

- аҳолининг банк тизимига ишончини ошириш, уларни банк хизматлари билан таништириш, банк миждозларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш учун ҳудудларда мунтазам равишда амалий семинарлар ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Республика тижорат банклари ва банк-молия тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ва уларга эришиш борасида:

- республика тижорат банклари томонидан «Фитч рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» етакчи халқаро рейтинг компаниялари рейтинг баҳолари, жумладан, кредитга лаёқатлилиқ рейтинг баҳоларининг олиниши ва мунтазам янгиланиб борилишини таъминлаш;

- республика тижорат банклари ва банк-молия тизими фаолиятини баҳолашнинг етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва стандартларига мос келувчи

такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва улар асосида республика тижорат банклари фаолиятини мунтазам баҳолаб бориш;

- тижорат банклари ва банк-молия тизими фаолиятини баҳолашда етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва андозалар тўғрисида ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш борасида тизимли ишлар олиб борилади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган республикани 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, шу жумладан, 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар дастури» доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

2010 йилда пул-кредит сиёсати «Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган дастурий маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Хусусан, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инфляция даражасини 8 фоиздан ошишига йўл қўймаслик мақсадида муомаладаги пул массасининг белгиланган параметрлар доирасида бўлишига, шунингдек валюта ва молия бозорларининг барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи қарзлар, асосан, узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди.

Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Ўтган йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди.

2010 йилда республика банк тизимининг асосий кўрсаткичлари ўзгаришининг динамикаси, тизимнинг барқарор ривожланиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 36,2 фоизга ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига 4 100,1 млрд. сўмни ташкил этди.

2010 йил якуни бўйича банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси 23,4 фоизни ташкил этиб, бу халқаро банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан тавсия қилинган 8 фоизлик кўрсаткичдан қарийб 3 баробар кўпдир.

2010 йилда тижорат банклари томонидан устав капиталини кўпайтириш учун чиқарилган қўшимча акциялар ҳажми 570 млрд. сўмни ташкил қилди ва уларни инвесторлар ўртасида жойлаштириш ишлари олиб борилди. Банклар томонидан чиқарилган акцияларнинг 25 фоиздан ортиғи фонд биржаларида сотилди. Бугунги кунда 17 та банк акциялари “Тошкент” фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қоғозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиб борилмоқда.

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодий ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Банк тизими ликвидлилигини таъминлаш, уни талаб даражасида ошириш, ва шу билан биргаликда, кутилаётган даромадга эга бўлиш кучли ликвидлик стратегиясини талаб этади, яъни тижорат банки бир вақтнинг ўзида ликвидликка эришган ҳолда максимал даромад олишнинг самарали позициясига эга бўлиш банкларда ўтказилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан биридир. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтдан бошлаб банк тизимида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йуналишларидан бирига айланди. Айни пайтда тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинаётган фойдани максималлаштиришдан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришиш банк активлари даромадлилигини барқарор тарзда ошириб боришни тақозо қилади. Мазкур жараёнда банк активлари даромадлилигини оширишнинг сифат жиҳатига эътибор қаратиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Бунга эришиш учун эса, ҳар бир тижорат банк ўзининг молиявий ресурсларини тўғри бошқара олиши муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари ҳисоб-китоб ва ўтказмаларни узлуксиз равишда таъминлаши, кредит ресурсларига бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг талабларини қондириши етарли даражада ликвидли бўлишни тақозо этади. Чунки, ликвидлик даражасининг оз бўлсада меъёрдан тушиши мижозларнинг банкка бўлган ишончини сўндириши мумкин.

Банк тизимини ташкил қилишни амалга ошириш қуйидаги **тамойилларга** асосланган ҳолда олиб борилиши мумкин:

-  хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ишончини қозониш мақсадида банк-молия тизими барқарорлигига эришиш;
-  банк тизимидаги ислохотлар умумиқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши билан мос келиши;
-  банк-молия тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан жаҳон банк тизимига яқинлаштириш;

- ✚ пул-кредит сиёсатини олиб боришда мамлакатнинг ички эҳтиёжини ва унинг иқтисодининг хусусиятини ҳисобга олиш;
- ✚ банклар фаолиятида мижозлар манфаатини устун қўйиш ва бошқалар.

Банк тизимини қуйидаги стратегик масалаларни ечишда фойдаланилади:

- ✓ иқтисодиёт ўсишини таъминлаш;
- ✓ инфляция назорати;
- ✓ тўлов баланси назорати.

Жорий йилда банк тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилишни кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади.

Ушбу битирув малакавий ишини ёзиш давомида қуйидаги таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

1. Ўзбекистон банк тизими фаолиятини баҳолаш учун етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёр, андозаларни ва баҳолаш кўрсаткичларни жорий этиш;
2. Тижорат банклари капиталлашувини янада ошириш орқали банк тизими барқарорлигига эришиш;
3. Тижорат банклари инвестиция фаолиятини кенгайтириш, уларнинг фонд бозоридаги иштирокини янада ошириш;
4. Банк тизими барқарорлигини таъминлаш борасида таваккалчиликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва бунда халқаро банклар тажрибасини мамлакатимиз банк тизимига қўллаш;
5. Банк тизимида молия-банк ва кредит ахборотлари даражаси ва сифатини ошириш ва ундан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш;
6. Аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилаётган молия-банк хизматларининг ҳажми ва кўламини кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни 2005 йил 25 апрел. Халқ сўзи 2005 йил 26 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. “Ўзбекистон” 2005 йил 10 июнь Халқ сўзи 11 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ- 4058 сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори Банк ахборотномаси 2007 йил 18 июль № 28.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. – 2005. – 18 апрель.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 16 ноябрь ПП-1438 сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сон «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувчи қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 173-177.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сон «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 120-146.

17.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

18. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

19.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

20. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007. —347 б.

21.Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.

22.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. –187 б.

23.Батракова Л.Г. «Анализ процентных политика коммерческого банка» М.: «Ульяновский дом печати» 2000. 152 стр.

24. Банковское дело: Учебник. – 9-е изд., перераб. и доп. / Под ред. О.И.Лаврушина. М.: Финансы и статистика, 2010. – 672 с.

25.Банковское дело: учебник / О.И. Лаврушин, И.Д. Мамонова, Н.И.Валенцева и др.; под ред. засл. деят.науки РФ, д-ра экон. Наук, проф. О.И. Лаврушина. – 7-е изд; перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 768 стр.

26.Грачева М.В. Анализ проектных рисков: Учеб. пособие для вузов. М.: ЗАО «Финстатинформ», 2009. – 93 с.

27.Деньги.Кредит.Банки./ О.И. Лаврушина. - Б.М.: М.:КНОРУС, 2010. - 558 с.

28.Долан Э.Дж., Кембелл К.Д., Кембелл Р.Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика: Пер. с англ./ Под ред. В.Лукашевича. – М.: Издательство АНК, 1996. – 448 с.

29.Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 296 б.

30.Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 2007. – 286 с.

31.Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юрист, 2002. – 456 с.

32.Қоралиев Т.М. ва бош. «Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш» Т.: ТМИ, 2008. -187 б.

37.Абдусаломова О. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №2.

38. Абдурахмонов О. «Фоиз ставкаси rischi – банк молиявий кўрсаткичлари воситаси». «Бозор, пул, кредит» 2005. №8
39. Каралиев Т.М., Қуллиев И. Кредит операциялари самарадорлигини ошириш. Бозор, пул ва кредит 2008 йил №2, май.
40. Зокиров Э. Банк кредит портфели мониторинги // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2001. – №10. – Б. 7-8.
41. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари «Бозор, Пул ва Кредит» журнали 2011 йил 1-сон.
42. Холмуродов Н. Кредит рискларини камайтириш муаммолари. Бозор пул ва кредит», 2007. № 3.
43. Қодиров А. Кредит бериш механизмини такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. – №6.
44. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006-2011 йиллардаги маълумотлари.
45. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг 2006-2011 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.
46. Интернет сайтлари
[http// www.banking.com/aba/](http://www.banking.com/aba/),
[http// www.org.ru/n.goss/get](http://www.org.ru/n.goss/get).
[http// www.connect/uz](http://www.connect/uz).
[http// www. Review.uz/archive/](http://www.Review.uz/archive/)
[http// www.imf.org.ru](http://www.imf.org.ru).
[http// www.ownbanking.uk](http://www.ownbanking.uk)
[http// www.uza.uz](http://www.uza.uz)
[http// www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
[http// www.stat.uz](http://www.stat.uz)

